БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.B.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҒУЛОМОВ РУСТАМЖОН КОМИЛЖОН ЎҒЛИ

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ТАРҚАЛГАН *PHLOMOIDES* MOENCH ТУРКУМИ (ТАКСОНОМИЯСИ, ГЕОГРАФИЯСИ, ЭКОЛОГИЯСИ ВА МУҲОФАЗА ЧОРАЛАРИ)

03.00.05 – Ботаника

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2022

УДК: 581.5.9.582.6/9.94.949.2

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ғуломов Рустамжон Комилжон ўғли
Фарғона водийсида тарқалган *Phlomoides* Moench туркуми (таксономияси, географияси, экологияси ва муҳофаза чоралари)..... 3

Гулямов Рустамжон Комилжон угли
Род *Phlomoides* Moench во флоре Ферганской долины (таксономия, география, экология и меры охраны)..... 21

Gulomov Rustamjon Komiljon ogli
Distribution of the genus *Phlomoides* Moench in the Fergana Valley (taxonomy, geography, ecology and conservation)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 43

БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.B.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҒУЛОМОВ РУСТАМЖОН КОМИЛЖОН ЎҒЛИ

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ТАРҚАЛГАН *PHLOMOIDES* MOENCH ТУРКУМИ (ТАКСОНОМИЯСИ, ГЕОГРАФИЯСИ, ЭКОЛОГИЯСИ ВА МУҲОФАЗА ЧОРАЛАРИ)

03.00.05 – Ботаника

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2022

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/B480 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.botany.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Батошов Авазбек Рискулович** биология фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	**Хасанов Фуркат Орунбаевич** биология фанлари доктори, профессор
	Лазьков Георгий Анатольевич биология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ботаника институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.B.39.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «2» декабрь куни соат 14^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри. Дўрмон йўли кўчаси. 32-уй. Ботаника институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс (+99871) 262-79-38, E-mail: botany@academy.uz).

Диссертация билан Ботаника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (48-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125. Тошкент шаҳри. Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй, Тел.: (+99871) 262-37-95..

Диссертация автореферати 2022 йил «14» ноябрь куни тарқатилди.
(2022 йил «14» ноябрдаги №3-рақамли реестр баённомаси)

К.Ш. Тожибаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Б.А. Адилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Ф.И. Каримов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси б.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда биологик хилма-хилликнинг 36 та қайноқ нуқталари аниқланган бўлиб, улар Ер юзининг атига 2,3% ҳудудини эгаллайди ҳамда йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган аксарият эндем, камёб ўсимлик турларини ўз ичига олади. Шунга кўра, глобал ва минтақавий биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш, табиий ландшафтларга антропоген омиллар таъсирини баҳолаш юзасидан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва стратегик чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш замонавий табиатни муҳофаза қилишнинг устувор вазифаларидан саналади.

Жаҳонда табиий ландшафтлари қисқариб бораётган ва иқлим ўзгаришига заиф ҳудудларни аниқлаш, замонавий усуллар асосида эндем, камёб турлар популяцияларини баҳолаш, муҳофазага мухтож турларни сақлаб қолиш юзасидан кенг қамровли тадқиқотларни амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур тадқиқотлар, Марказий Осиёда, табиий ландшафти қисқариб бораётган ҳудудлар флораси таркибини аниқлаш, антропоген омиллар таъсирини мониторинг қилиш, таҳдид остида бўлган камёб, эндем турларнинг биогеографияси, экологияси ва муҳофазаси юзасидан амалга оширилаётган изланишлар билан бевосита боғлиқ. Таъкидлаш лозимки, Фарғона водийси Марказий Осиё минтақасида аҳолиси зич жойлашган, табиий ландшафти қисқариб бораётган ҳудудлардан бири сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур ҳолат ҳам турлар хилма-хиллигини, ҳам табиий ландшафтларни сақлаш масаласининг долзарблигини белгилайди. Бу ерда сўнгги ўн йилликда инсонларнинг атроф-муҳитга таъсири сезиларли даражада ошди. Аҳоли пунктларининг кенгайиши, саноат зоналарининг кўпайиши, яйлов майдонларини қисқариши ва бошқа омиллар Фарғона водийсининг камёб ва эндем турлари популяциясини заифлашишига олиб келди. Водийнинг Ўзбекистон қисмида муҳофаза этиладиган табиий қўриқхоналарнинг йўқлиги ҳозирги вазиятни янада мураккаблаштирмоқда. Шу нуқтаи назардан, ўсимлик хилма-хиллигини ўрганиш, янги усулларни жорий этиш, минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича олиб борилаётган янги тадқиқотлар долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси табиий ландшафтлари барқарорлигини таъминлаш, заиф ва йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган камёб ва эндем турларга антропоген омилларнинг таъсирларини баҳолаш ҳамда алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудудларни муҳофаза қилишга эътибор қаратилмоқда. Бу борада, республикамизда Ўзбекистон миллий флорасининг янги нашрини яратиш, тўр тизимли хариталаш, кадастр ва мониторинг қилиш, ўсимлик қоплами динамикаси, камёб ва эндем турларни потенциал диапозонларини аниқлаш ҳам биоиқлимий моделлаштириш бўйича тадқиқотлар йўлга қўйилди. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида[1] “Марказий Осиёда экология,

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва табиатни муҳофаза қилиш борасида ҳамкорликни янги босқичига олиб чиқиш” бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда Фарғона водийсида тарқалган *Phlomoides* туркумининг таксономик таркиби ва экогеографик ҳусусиятларини аниқлаш, турларнинг тўр тизимли хариталарини тузиш, эндем ва камёб турларини келажакдаги потенциал тарқалиш майдонларини биоиқлимий моделлаштириш ва муҳофазага муҳтож турларни халқаро мезонлар асосида баҳолаш ҳамда натижаларни амалиётга жорий этиш долзарб илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасиининг 2019 йил 11 июндаги 484-сонли “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 декабрдаги №1034-сон “Ўзбекистон Республикаси Қизил китобини тайёрлаш, нашр этиш ва юритишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ва 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот ишининг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. *Phlomoides* турларининг таксономияси, молекуляр филогенияси – Y. Salmaki et al. (2012a, 2012b); трихомалар морфологияси – Z. Seyedi, Y. Salmaki (2015), E. Eyvazadeh, Y. Salmaki (2019); цитологияси – M. Ranjbar et al., (2016); уруғларнинг микроморфологияси – E. Eyvazadeh, Y. Salmaki (2018); турларнинг хлоропласт геноми даражасида ўрганишга қаратилган тадқиқотлар – Zhao et al., (2019); ценопопуляциясини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар – Е.К. Комаревцева (2018) ва бошқа хорижлик олимлар томонидан олиб борилган.

Ўрта Осиё ҳудудида тарқалаган *Phlomoides* туркуми ва умуман *Lamiaceae* оиласининг асосий таксономик тадқиқот натижалари Т.А. Адилов (1986), Р.В. Камелин, А.М. Махмедов (1990a), А.М. Махмедов (1991), Т.Х. Худойбердиев (1995), A.N. Sennikov, G.A. Lazkov (2013), G.A. Lazkov (2011, 2016) ва бошқаларнинг ишларида ўз аксини топган.

М.М. Арифханова (1967), П.Х. Ҳолқўзиев (1971), Р.С. Верник ва Т.Т. Рахимова (1982), Г. Гаффаров (1991), И. Турақулов (1998), К.Ш. Тожибаев (2002, 2010), И.Ф. Каримов (2016), Г.А. Иброхимова (2020), Н.М. Наралиева (2022) ва бошқа олимлар томонидан Фарғона водийси ўсимликларини

ўрганишга қаратилган флористик, геоботаник тадқиқотлар олиб борилган ва *Phlomoides* туркумининг таксономик таркиби тўғрисида қимматли маълумотлар берилган. Турларнинг дориворлик хусусияти Д.Р. Хайдарова (2022) ишида келтирилган. Мазкур тадқиқотлар давомида Фарғона водийси ҳудудидан *Phlomoides* турларига оид 730 га яқин гербарий намуналари йиғилган. Улар бугунги кунда LE, MW, TASH, FRU ва Хўжанд давлат университети гербарий фондларида сақланмоқда. Ўтказилган тадқиқотлар, мавжуд манбалар танқидий ёндашув ҳамда Фарғона водийсидаги *Phlomoides* туркум турларининг таксономик хилма-хиллиги, биогеографияси, экологияси ва муҳофаза қилишнинг илмий масалаларини аниқлаш бўйича янги тадқиқотларни талаб этади ва эндем турларнинг юқори фоизи билан ифодаланади.

Шу нуқтаи назардан, мавжуд маълумотларни чуқур таҳлил этиш ва мақсадли дала тадқиқотлари орқали таксономик таркибини аниқлаш, турлар муҳофазаси ва географик тарқалишининг илмий асосларини ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ботаника институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг F5-FA-0-64792 “Ўзбекистон флорасидаги полиморф оилаларнинг таксономик ревизияси” (2021–2025) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Фарғона водийси флорасида тарқалган *Phlomoides* туркумига кирувчи турларнинг таксономик таркиби, экогеографик ҳусусиятларини аниқлаш ва муҳофаза ҳолатини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Фарғона водийси флорасида тарқалган *Phlomoides* туркум турларининг таксономик таркибини аниқлаш, замонавий конспектини тузиш;

морфологик белгиларни таҳлил қилиш ва дигностик белгилар асосида филогенетик дарахт яратиш;

турларнинг флороценотиплар, ботаник-географик районлар ва Фарғона водийсининг тоғ тизмалари бўйича тарқалишини таҳлил этиш;

турларнинг тарқалишини акс эттирувчи тўр тизимли ГАТ хариталарини тузиш;

эндем ва камёб турларни потенциал тарқалиш майдонларини биоиқлимий моделлаштириш;

турларни IUCN тоифалари бўйича камёблик мақомини баҳолаш, камёб турларни сақлаб қолиш бўйича илмий-амалий тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти Фарғона водийси флорасида тарқалган *Phlomoides* туркум турлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети турларни таксономияси, географияси, экологияси ва муҳофаза қилишни илмий асослари.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда флористиканинг маршрутли, ярим стационар усуллари, ўсимликлар ситематикасининг географик-

таққослаш ва морфологик усуллари, шунингдек, тўр тизимли хариталашнинг замонавий усуллари, камёблик мақомини баҳолаш ва биоиқлимий моделлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийсида флорасида тарқалган *Phlomoides* туркумининг 26 турдан иборат таксономик таркиби аниқланган, замонавий конспекти тузилган;

Phlomoides kirghisorum Adylov, Kamelin & Machmedov, *P. michaelis* Adylov, Kamelin & Machmedov, *P. labiosa* (Bunge) Adylov, Kamelin & Machmedov *P. nuda* (Regel) Adylov, Kamelin & Machmedov турларнинг янги ўсиш майдонлари аниқланган;

Фарғона водийси флорасида тарқалган турларнинг морфологик белгиларга асосланган филогенетик дарахти яратилган;

тўр тизимли хариталаш усулларидан фойдаланган ҳолда географик тарқалиш ҳусусиятлари очиб берилган ва турларнинг флороценотиплар бўйича фаоллик даражаси аниқланган;

глобал иқлим ўзгаришининг турли сценарийлари кесимида турларни келажакдаги потенциал тарқалиш ареалини ифодаловчи рақамли хариталари яратилган ҳамда таъсир қилувчи асосий биоиқлим омиллари баҳоланган;

илк бор турларни камёблик мақоми Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи (IUCN) тоифалари асосида баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийси флорасидаги *Phlomoides* туркум турларининг замонавий конспекти, тарқалиш ГАТ хариталари “Ўзбекистон флораси”нинг навбатдаги нашрига тақдим этилган;

Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси “Қизил китоби”нинг навбатдаги нашрига тарқалиш ареали қисқариб бораётган камёб ва эндем турлари тавсия этилган, уларнинг ареалининг қисқариш сабаблари, антропоген омиллар таъсири баҳоланган;

геофазовий таҳлил бўйича олинган тадқиқот натижалар асосида потенциал хавф остида бўлган камёб турларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий тадқиқот усулларини қўллаш орқали олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши ва республика ҳамда халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилганлиги, етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, тадқиқотнинг амалий натижалари табиатни муҳофаза қилишга ихтисослаштирилган ваколатли ташкилотлар фаолиятига жорий этилганлиги ҳамда дала тадқиқотлари давомида йиғилган гербарий намуналари Ўрта Осиё ҳудудида етакчи хисобланган Ўзбекистон Миллий гербарийси (TASH) фондида сақланаётганлиги ва диссертация ишининг давлат илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эндемик турларга бой – *Phlomoides* туркумининг таксономик таркиби аниқланлиги ва замонавий конспекти

тузилганлиги, турларнинг 22 та морфологик белгиларга асосланган филогенетик дарахти яратилганлиги, турларнинг IUCN тоифалари бўйича камёблик мақоми баҳоланганлиги, келажакдаги потенциал ўсиш майдонларини биоиқлимий моделлаштирилганлиги ҳамда тарқалишини ифодаловчи ГАТ хариталари яратилганлиги, турларнинг фаоллик даражаси аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан далолат берадики, олинган натижалар Фарғона водийсининг камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик турларни муҳофаза қилиш бўйича самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, мониторингини юритиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Фарғона водийси ўсимликлар хилма-хиллиги кадастри, водийда ўсимлик турларини тармоқ харитасини яратиш, Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоби"нинг навбатдаги нашрини янги маълумотлар билан бойитиш ҳамда "Ўзбекистон Флораси" асарини Lamiaceae оиласига бағишланган янги нашрини тайёрлашда асос бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фарғона водийси флорасида тарқалган *Phlomoides* турларини тадқиқ қилишда олинган илмий натижалар асосида:

тадқиқот ҳудудида ўсадиган *Phlomoides* туркумининг 4 тури (22%) хавф остида (EN), 2 та тури (11%) заиф (VU), 5 та тури (28%) таҳдид остида (NT) ва 7 та тури (39%) эса энг кам ташвишли (LC) сифатида таснифланган ҳамда улардан 6 та тур (33%) ўсимликлар хавф остида (EN, VU) деб баҳоланиб, уларнинг яратилган GeoCAT хариталари Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Фарғона ва Наманган вилояти бошқармалари амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасини 2022 йил 17 майдаги 04-02/7-777-сонли маълумотномаси). Натижада, заиф, хавф ва таҳдид остида бўлган 18 та камёб ва йўқолиб бораётган турларнинг тарқалиш майдонларини аниқлаш, муҳофаза чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берган;

муаллиф томонидан терилган 800 дан ортиқ гербарий намуналари Ўзбекистон Миллий гербарийси (TASH) фондига топширилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2022 йил 23 июндаги 4/1255-1469-сон маълумотномаси). Натижада, водий ҳудудидан йиғилган камёб ва эндем турларнинг янги гербарий намуналари ноёб объектнинг Ўрта Осиё бўлими коллекциясини бойитган ва турларининг таксономияси, географияси, экологияси бўйича олинган янги маълумотлар ҳамда турларнинг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталари Ўзбекистон флорасининг электрон маълумотлар базаси ахборот-таҳлил тизимини шакллантириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон

Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, жумладан, 7 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ҳамда зурурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларни илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **«Фарғона водийси флорасида тарқалган *Phlomoides* Moench турлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар, тадқиқот объекти ва методлари»** деб номланган биринчи боби Фарғона водийси ва хорижда олиб борилган тадқиқотлар таҳлили, тадқиқотнинг объекти ва методларига бағишланган.

Диссертациянинг **«Фарғона водийси флорасидаги *Phlomoides* туркумининг таксономик таркиби»** деб номланган иккинчи бобида турларнинг замонавий конспекти, асосий морфологик белгилари ва уларнинг диагностик таҳлили юзасидан олинган натижалар келтирилган.

Бобнинг биринчи бўлимида Фарғона водийси флорасидаги *Phlomoides* туркумнинг 26 турдан иборат конспекти келтирилган. Конспектни тузишда, 1871–2020 йиллар давомида терилган ва ҳозирда TASH, LE, MW, FRU ва Хўжанд давлат университети фондларида сақланаётган гербарий намуналари (730) ва муаллифнинг 2020–2022 йилларда амалга оширган дала тадқиқотлари давомида йиғилган намуналарига (800 дан ортиқ) асосланади. Унда ҳар бир турнинг илк илмий манбаси, тип маълумотлари, фенологияси, экологияси, ареали, эндемизми, ботаник-географик районлар бўйича тарқалиши ҳамда йиғмаларнинг коллекторлари келтирилган. Шунингдек, ҳар бир турнинг ўзбек тилидаги морфологик тавсифи берилган. Конспект формати “Ўзбекистон флораси” лойиҳаси форматига (Sennikov et al., 2016) мос келади.

Бобнинг иккинчи бўлимида 22 та морфологик белгиларнинг таҳлили асосида яратилган филогенетик дарахт келтирилган. Олинган маълумотлар кладистик таҳлилдан ўтказилди (Maddison and Maddison, 2015). Сўнгги йилларда амалга оширилган таксономик тадқиқотлар (Камелин, Махмедов, 1990; Sennikov, Lazkov, 2013) натижаларига морфобелгилар асосида яратилган дарахт қай даражада мувофиқ келишини ҳам таҳлил қилинди.

Бизнинг тадқиқотларимизда Bootstrap қийматлари нисбатан паст кўрсаткичда бўлса-да, Фарғона водийсида тарқалган турларнинг морфологик белгиларига асосланиб тузилган дарахт, илгари чоп этилган, хусусан A.N. Sennikov, G.A. Lazkov (2013) томонидан таклиф этилган натижаларга мос келиши аниқланди (1-расм).




1-расм. Фарғона водийси флорасида тарқалган *Phlomoides* туркум турларининг 22 морфологик белгилари бўйича тайёрланган филогентик дарахти. “Bootstrap”нинг <50% дан кичик қийматлари дарахтда кўрсатилмаган

Жумладан, *P. urodonta* Р.В. Камелин, А.М.Махмедов (1990) томонидан *Phlomoides* секциясига киритилган бўлиб, турнинг морфологик белгиларига кўра *Filipendula* секциясига мувофиқ келиши филогенетик дарахт орқали тасдиқланди. Олинган натижаларнинг ишончлилик даражасини текшириш мақсадида, алоҳида морфологик органлар, хусусан илдиз бўғзи барглар, гулкосача, гулёнбаргчалар шакли ва гултож ранги бўйича олинган филогенетик дарахтлар билан ўзаро мос келиши текширилди (батафсил маълумот диссертацияда келтирилган). Кросс-таҳлил уларнинг мувофиқлигини ва 1-расмда келтирилган филогенетик дарахтнинг ишончлилигини тасдиқлайди.

Диссертациянинг “**Фарғона водийсида тарқалган *Phlomoides* турларининг географик таҳлили**” деб номланган учинчи бобида турларнинг ботаник-географик районлар, тоғ тизмалари, Фарғона водийси ўсимликлар қопламидаги асосий флороценотиплар бўйича тарқалиши ва тўр

тизимли хариталаш бўйича амалга оширилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Мазкур бобнинг биринчи бўлими, Фарғона водийси флорасидаги *Phlomoides* турларининг ботаник-географик районлар бўйича тарқалиш таҳлилига бағишланган. Фарғона водийси ботаник-географик жиҳатдан Тоғли Ўрта Осиё, Турон провинциялари таркибига киради (Тожибаев ва бошқ., 2016). Фарғона водийси худуди учун биз келтирган турларнинг ҳаммаси Тоғли Ўрта Осиё провинцияси сарҳадларида учраши аниқланди. Бироқ, округлар кесимида уларнинг тақсимланиши бир текис эмас (2-расм).



2-расм. *Phlomoides* турларининг ботаник-географик округлар бўйича тақсимланиши

Фарғона округи (13 тур, 50%) *P. ferganensis* (Жанубий-Чотқол), *P. urodonta* (Жанубий-Чотқол, Сари-Челак), *P. adylovii* (Жанубий-Чотқол, Арслонбоб), *P. kurpsaica* (Сари-Челак, Арслонбоб), *P. hypoviridis* (Сари-Челак), *P. cordifolia* (Арслонбоб, Шарқий-Олой) каби Қирғизистон флораси учун эндем турлар ва *P. alaica* (Жанубий-Чотқол, Арслонбоб, Шарқий ва Ғарбий-Олой), *P. kirghisorum* (Фарғона округи ва Шарқий-Олой) сингари трансчегаравий (Қирғизистон ва Ўзбекистон) тарқалиш характерига эга камёб турлар таркиби билан округлардан ажралиб туради. Шу сабабдан Фарғона округи Тоғли Ўрта Осиё учун эндем бошқа бир қатор таксономик бирликлар (*Tulipa* L., *Gagea* Salisb., *Iris* L. ва бошқа туркум вакиллари мисолида) сингари *Phlomoides* турлари бўйича ҳам Фарғона водийсидаги асосий қайноқ нуқталаридан бири сифатида баҳоланди (Камелин, 1973; Тожибаев ва бошқ., 2016). Фарғона-Олой округи (16 тур, 62%) турларга бойлигига кўра Фарғона округи билан яқинликни намоён этади ва асосан Олой (*P. pulchra, P. stellata*, *P. michaelis*), Помир-Олой учун (*P. lehmanniana*) ўзига хос эндем турлар билан иштирок этади. Бизнинг фикримизча, ҳар икки округнинг турларга нисбатан бойлигини улар эгаллаган ҳудудларнинг асосий қисми Фарғона водийсида жойлашганлиги билан изоҳланади. Ғарбий-


Тиёншон (5 тур, 19%), Кўҳистон (10 тур, 38%), Мўғолтоғ–Қурама (6 тур, 23%) округлари кейинги ўринларни эгаллайди ва бу ҳам турларнинг умумий сони, шу билан бирга эндемизм кўрсаткичларида намоён бўлади.Диссертация иши доирасида олиб борилган дала тадқиқотлари давомида округлар таркибига кирувчи ботаник-географик районлардан *P.kirghisorum,P.michaelis, P. nuda* ва *P. labiosa* каби турларининг янги ўсиш майдонлари аниқланди.

Фарғона водийсини ўраб турувчи тоғ тизмалари орасида етакчи ўринни Олой (16 тур, 62%) ва Чотқол (13 тур, 50%) тизмалари эгаллайди. Турлар бойлиги бўйича етакчи тоғ тизмалари кетма-кетлигини Фарғона (10 тур, 38%), Туркистон (10 тур, 38%), Қурама (8 тур, 30%) ва Мўғилтоғ (6 тур, 23%) давом эттиради. Эътиборлиси шунда иборатки, ҳудудининг катта қисми Фарғона водийсидан ташқарида бўлган Туркистон тизмаси юқори кўрсаткичдаги турлар сони билан иштирок этади. Шунинг учун ҳам мазкур тизманинг водийда жойлашган қисми *Phlomoides* туркуми учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга кичик майдонларга эга бўлган айрим тоғ тизмалари, масалан, Ат-Ойнок (водийдан ташқарига чўзилмаган) кўплаб эндем турлар (*P. kurpsaica, P. hypoviridis, P. adylovii*) билан ажралиб туради ва улар Г.А. Лазьков томонидан охирги икки ўн йилликда (2004–2019 йиллар) кашф этилган.

География таҳлилнинг иккинчи бўлимида *Phlomoides* турларининг Фарғона водийсидаги асосий флороценотиплар бўйича тарқалишининг хусусиятлари келтирилган. Жами 15 та флорценотиплар ажратилган бўлиб (Р.В. Камелин, 1973, 2002), улар гумид, криояримгумид, яримгумид ҳамда арид гуруҳларга ажратилган. Ўрта Осиёнинг тоғли шароитида ўсимлик жамоаларининг ранг-баранглиги айрим турларнинг қайси флороценотипларга тегишли эканлигини аниқ кўрсатиш имкониятини тўла бермайди. Бу борада тадқиқотчининг танлови баъзан қийин бўлишига қарамай, таҳлилнинг бу тури тадқиқ этилаётган турларнинг экологик хусусиятларини очиб беришда катта аҳамиятга эга (Лазьков, 2006). Таҳлил натижасида ўрганилган турларнинг асосий қисми мезофил баргли бутазорлар, арчазорлар, шибляк, баланд бўйли тоғ яримсаваннаси, олажинсларнинг ўсимлик қоплами каби Тоғли Ўрта Осиё провинцияси учун хос бўлган флороценотиплар жамоасига мансублиги аниқланди. Бу эса турлар Фарғона водийси шароитида *Phlomoides* туркумга мансуб турларнинг аксарият қисмини шаклланишида Тоғли Ўрта Осиёни муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳудуд сифатида қарашга имкон беради. Мазкур тадқиқот ишида, илк бор, турларнинг фитоценотиплар таркибида учраш кўрсаткичига кўра фаоллик даражаси аниқланди ва 4 та гуруҳга: энг фаол (6 та ва ундан ортиқ флороценотиплар), фаол турлар (4 ёки 5 та), ўртача фаол (2 ёки 3 та) ва пассив турлар (1 та) бўлинган ҳолда таснифланди. Энг фаол турлар 8% (2 тур), фаол турлар 15 % (4 тур), ўртача фаол турлар 65% (17 тур) ва пассив турлар эса умумий турларнинг 12% (3 тур) ташкил этди. Бу гуруҳлар тавсифи ва улар таркибига кирувчи турлар тўғрисида батафсил маълумотлар диссертацияда келтирилган.

Фарғона водийси флорасида учрайдиган *Phlomoides* туркуми

турларнинг тўр тизимли хариталарда тарқалишини ўрганиш сўнгги йилларда Ўзбекистон флораси турлари бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг (Тожибаев ва бошқ., 2022) ажралмас қисми ҳисобланади. Бу лойиҳага кўра, мамлакат худуди ҳар бири 5x5 км дан иборат бўлган 19420 индексларга ажратилган. Ҳар бир индексга турлар бойлиги (*species richness*) ва йиғмалар зичлиги (*collection density*) кўрсаткичлари бўйича маълумотлар жамланмоқда ва улар охирги 150 йилдан ортиқ муддат давомида олиб борилган тадқиқотларнинг натижаларини ўз ичига олади (Тожибаев ва бошқ., 2020). Мазкур тадқиқотларнинг давоми сифатида, бобнинг учинчи бўлимида Фарғона водийсининг Ўзбекистон ҳудудида ўсадиган *Phlomoides* турлари *species richness* ва *collection density* кўрсаткичлари бўйича хариталанди. 1871–2020 йилларда тадқиқот ҳудудидан терилган 18 турнинг TASH, MW, LE фондларида сақланаётган 100 га яқин гербарий намуналари, 2020–2022 йиллар давомида муаллиф томонидан йиғилган 750 га яқин намуналар ва турларнинг ўсиш нуқталарини акс эттирувчи 300 га яқин географик координаталари асос қилиб олинган (3-расм).



3-расм. Фарғона водийси (Ўзбекистон ҳудуди) флорасидаги *Phlomoides* турларининг хилма-хиллик (*species richness*) ва йиғмалар зичлиги (*collection density*) бўйича тўр тизимли харитаси

Тўр тизимли хариталаш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг асосий якунларига кўра, тадқиқот ҳудудидан «0» категорияга мансуб индекслар сони 681 тани (79%) ташкил этди. Бу кўрсаткичнинг юқорилиги 0 қийматига эга индексларнинг асосий қисми Фарғона водийсининг Турон провинцияси (яъни *Phlomoides* туркум турлари ўсмайдиган ҳудудлар) таркибига кирадиган агрофитоценозлар, аҳоли турар жойлари ёки Тоғли Ўрта Осиё провинциясининг перифериясидаги саноат зоналари ва урбанлашган ҳудудларга тўғри келиши билан изоҳланади. Индекслар кесимида *speciesa richness* бўйича максимал кўрсаткич 3 турни, *collection density* бўйича эса 53 тани ташкил этди. 1 та турдан (асосан *P. speciosa, P. nuda, P. isochila, P. codonantha, P. kirghisorum, P. urodonta*) иборат индекслар 135 та, 2 та турдан (асосан *P. michaelis, P. labiosa, P. ostrowskiana, P. integior, P. stellata, P. pulchra, P. alaica*) иборат индекслар 38 та, 3 та

турдан иборат индекслар сони эса 6 тани ташкил этди ва улар Қурама, Жанубий-Чотқол ҳамда Шарқий-Олой ботаник-географик районларда тарқалган турлар билан тавсифланди.

Гербарий йиғмаларининг зичлиги бўйича тузилган тўр харита ҳам учта даражага бўлинган. Жумладан, кам (1–5) зичликдаги индекслар 125 та бўлиб, улар тадқиқот ҳудудининг асосий майдонларини эгаллайди. Ўртача зичликга (6–10) эга индекслар 21 тани, юқори зичликга (10<) мансуб индекслар эса 33 тани ташкил қилди. Йиғмалар зичлигининг юқори улуши Жанубий Чотқол, Арашан ва Чоркесар ботаник-географик районлари ҳиссасига тўғри келади. Мазкур ҳудудларда антропоген омиллар таъсирининг юқорилиги ва муҳофаза этиладиган қўриқхоналарнинг мавжуд эмаслиги турлар популяцияларини сақлаб қолишни мураккаблаштиради. Индекслар кесимида *species richness* билан *collection density* кўрсаткичларини деярли бир-бирига мос келиши табиий ҳолат ҳисобланади ва тегишли ҳудудлардаги тадқиқотларнинг интенсивлиги билан изоҳланади.

Диссертациянинг "**Фарғона водийсида тарқалган *Phlomoides* турларининг биоиқлимий моделлаштириш**" деб номланган тўртинчи бобининг биринчи бўлимида, эндем ва камёб турлар тарқалишининг биоиқлимий моделлаштириш натижалари келтириб ўтилган. Олинган натижаларга кўра турларнинг потенциал тарқалиш майдонларининг қисқариши ёки ортишига асосланиб, улар икки гуруҳга бўлинди. Атроф-муҳит ўзгарувчиларининг тақсимотидаги аҳамияти MaxEnt дастури асосида Jacknife тести орқали таҳлил этилди ва турларнинг тарқалишига таъсир қилувчи асосий биоиқлим омиллари аниқланди. Иқлим сценарийлари бўйича ҳудудларни яроқлилик кўрсаткичлари келтирилди (1-жадвал).

1-жадвал


Иқлим сценарийлари бўйича ҳудудларни яроқлилик кўрсаткичи

№	Турлар	Past (1970-2000)			RCP 2.6 (2070s)			RCP 8.5 (2070s)		
		AUC	ЮДЯҲ ($км^2$)	ЎДЯҲ ($км^2$)	AUC	ЮДЯҲ ($км^2$)	ЎДЯҲ ($км^2$)	AUC	ЮДЯҲ ($км^2$)	ЎДЯҲ ($км^2$)
1	*P. adylovii*	0,994	136	750	0,994	400	600	0,996	290	400
2	*P. alaica*	0,997	40	50	0,997	75	50	0,997	73	60
3	*P. aydarovae*	0,998	120	600	0,997	84	90	0,998	90	200
4	*P. ferganensis*	0,998	60	80	0,997	90	230	0,997	83	200
5	*P. kurpsaica*	0,997	80	100	0,986	400	600	0,992	300	700
6	*P. michaelis*	0,990	380	800	0,989	120	700	0,997	130	600
7	*P. cordifolia*	0,998	25	20	0,999	22	30	0,999	44	60
8	*P. codonantha*	0,998	19	25	0,999	13	20	0,999	15	36
9	*P. kirghisorum*	0,999	19	35	0,999	22	60	0,999	18	70
10	*P. pulchra*	0,999	40	120	0,999	35	100	0,999	18	40
11	*P. stellata*	0,999	19	60	0,999	12	30	0,999	9	25
12	*P. urodonta*	0,999	18	40	0,990	350	600	0,996	170	400

Изоҳ: *AUC* – ўқув маълумотлари, *ЮДЯҲ* - юқори даражадаги яроқли ҳудуд, *ЎДЯҲ* – ўрта даражадаги яроқли ҳудуд.

I. Келажакдаги иқлим сценарийлари RCP2.6_2070s (минимал иссиқхона газлари) ва RCP8.5_2070 (максимал иссиқхона газлари) бўйича потенциал тарқалиш ареали қисқариб борадиган турлар.

Амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, RCP8.5_2070s иқлим сценарийлари бўйича ҳаво ҳароратининг 1,4-2,6 °C га ортиши, моделлаштирилган биринчи гуруҳ (*P. adylovii, P. alaica, P. ferganensis, P. kirghisorum, P. pulchra, P. stellata, P. urodonta, P. kurpsaica*) турларининг келажакдаги ўрта ва юқори яроқли ўсиш майдонларини қисқаришига сабаб бўлишини кўрсатди. RCP2.6_2070s, сценарийси бўйича ҳароратни 0,4-1,6 °C ортиши фақатгина *P. pulchra* (4-расм), *P. stellate* турининг ўрта ва юқори яроқли ҳудудларини қисқаришига сабаб бўлган. Қолган турларда эса келажакдаги потенциал яроқли ҳудудлар кенгайиши кузатилди. Ҳар икки сценарий бўйича ҳам ҳароратнинг 0,4-1,6 °C ва 1,4-2,6 °C кўтарилиши бевосита Bio4, Bio8, Bio14, Bio15, Bio17, Bio19 каби асосий биоиқлим омилларининг таъсири остида амалга ошганлиги аниқланди. Биоиқлимий моделлаштириш натижалари диссертацияда батафсил келтириб ўтилган.



4-расм. *Phlomoides pulchra* учун иқлим сценарийлари бўйича потенциал тарқалиш майдонлари: қизил – юқори даражада яроқли; тўқ сариқ –ўрта даражада яроқли; яшил – яроқлик даражаси паст; оқ – яроқсиз ҳудудлар

Ареали қисқариб бораётган турлар ўзида кўпроқ примитив белгиларни сақлаган, ўрмон ландшафтига мойил, бутун баргли (транспирация қилувчи барг сатҳи катта) мезофит турлар ҳисобланади. Бу эса, IPCC бешинчи ҳисоботига (AR5) кўра, йиллик ўртача ҳаво ҳарорати RCP 2.6 (2061–2080) сценарийда 0.4–1.6 °C ва RCP 8.5 (2061–2080) иқлим сценарийси бўйича эса 1.4–2.6 °C оралиғида кўтарилиши, турларнинг морфологик белгилар билан бевосита коррелятив боғлиқлик мавжуд эканлигини кўрсатди.

II. Келажакдаги иқлим сценарийлари RCP2.6_2070s (минимал иссиқхона газлари) ва RCP8.5_2070 (максимал иссиқхона газлари) бўйича потенциал тарқалиш ареали кенгайиб борадиган турлар.


Ҳар икки иқлим сценарийси бўйича *P. aydarovae, P. cordifolia* турларининг ўрта, юқори яроқли ўсиш майдонлари кенгайиши, RCP2.6_2070s остида *P. codonantha, P. michaelis* турларининг ўрта, юқори яроқли ўсиш майдонлари қисқариши, RCP8.5_2070s бўйича эса кенгайиб бориши аниқланди. Ҳар икки сценарий бўйича ҳам ҳароратнинг 0,4–1,6 °C ва 1,4–2,6 °C кўтарилиши бевосита Bio4, Bio7, Bio8, Bio15, Bio17, Bio18, Bio19 каби асосий биоиқлим омилларининг таъсири остида амалга ошганлиги аниқланди. Турлар барг пластинкасининг бутун ва патсимон қирқилганлиги ҳамда қурғоқчил адир ва тоғ олди ҳудудларида тарқалганлиги билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда баҳоланган турларнинг асосий популяцияси антропоген таҳдид остида бўлган ҳудудларда жойлашган. Уларни камёблик мақомини аниқлаш ва муҳофазага олишни талаб этади. Биоиқлимий моделлаштириш натижалари ўрганилган камёб ва эндем турлар популяциясини *in-situ* ва *ex-situ* шароитда тиклаш учун энг қулай потенциал ўсиш жойларини аниқлаш имконини беради.

Диссертациянинг “**Фарғона водийси флорасидаги *Phlomoides* турларининг муҳофазаси**” деб номланган бешинчи бобининг биринчи бўлимида Халқаро Қизил китоб (IUCN) тоифалари бўйича баҳолаш таснифи ва муҳофаза қилиш учун тавсиялар келтириб ўтилган.

Турларнинг халқаро Қизил китоб тоифалари бўйича камёблик мақомларини аниқлашда геофазовий маълумотлар таҳлили, GeoCAT (http://geocat.kew.org/) қўлланилган ва турларнинг тарқалишини акс эттирадиган хариталар тузилган. Таҳлил натижаларига кўра 1 тури (4%), яъни *Phlomoides hypoviridis* Lazkov йўқолиб кетиш хавфи остида (CR), 10 тури (38%) хавф остида (EN) ва 2 тури (8%) заиф (VU), 5 тури (19%) таҳдид остида (NT), 8 тури (31%) энг кам ташвиш (LC) сифатида таснифланди. Умумий турларнинг 50% (13 тури) таҳдид остида (CR, EN, VU) деб баҳоланди (5-расм).

Таҳдид остида (*Threatened categories*) қолган (CR+EN+VU) турларнинг энг катта улуши Фарғона водийсининг Чотқол ва Олой тоғ тизмасида, паст кўрсаткич билан Туркистон, Фарғона ва Ат-Ойнок тизмаларининг адир ва тоғ минтақаларида жойлашган.



5-расм. Турларнинг IUCN тоифалари бўйича тақсимланиши

Олиб борилган тадқиқотларнинг навбатдаги қисми турларни муҳофаза этиладиган ҳудудларда учраш даражасини ўрганишга бағишланган. Тўпланган маълумотларнинг таҳлили асосида баҳоланаётган турларнинг 46% (12 тур) Ўрта Осиёдаги муҳофаза этиладиган ҳудудларда ҳам ўсиши аниқланди. Уларнинг 8 тури кам ташвишли (LC), 2 тури таҳдид остида (NT), 1 тури заиф (VU) ва 1 тури хавф остида (EN) тоифалари ҳиссасига тўғри келади. Турларнинг 54% (14 тур) табиий муҳофаза этиладиган ҳудудлар флораларида қайд этилмаган. Жумладан, бу турларнинг камёблик мақомлари IUCN бўйича таҳлил қилинганида 9 тур хавф остида (EN), бир тур йўқолиб кетиш хавфи остида (CR), уч тур таҳдид остида (NT) ва бир тур заиф (VU) тоифага мансублиги аниқланди. Эътиборлиси шундан иборатки, юқорида келтирилган 14 турнинг салкам 86% (12 тур) Фарғона водийсининг эндемлари ҳисобланади. Бу юқори кўрсаткич эса уларни сақлаб қолиш бўйича самарали муҳофаза чораларини ишлаб чиқиш зарурлигини асослайди.

Фарғона водийсидаги мавжуд муҳофаза этиладиган ҳудудларда учрайдиган 11 турнинг 5 таси таҳдид остида (NT), 4 тури энг кам ташвиш (LC), 1 тури хавф остида (EN) ва 1 тури заиф (VU) тоифага мансуб эканлиги аниқланди. Водийдан ташқарига чиқмайдиган таҳдид остида (CR+EN+VU) қолган эндем, камёб турларнинг 42% қўриқланадиган ҳудудларда учрамаслиги аниқланди. Қолган 4 тур эса, энг кам ташвиш (LC) тоифа сифатида Фарғона водийсини муҳофаза этиладиган ҳудудларида учрамаслиги аниқланди. Бу ҳолат ҳам муҳокама этилаётган масаланинг долзарблигини белгилайди. Турларнинг муҳофаза этиладиган ҳудудлар кесимида тарқалишининг таҳлили борасидаги батафсил маълумотлар

диссертацияда келтирилган.

Тадқиқот объектлари популяцияларининг майдонларининг қисқариши, ёки йўқолиб кетишига олиб келадиган омиллар мажмуаси H.Kang (2010) методикасига кўра таҳлил этилди. Турларга чекловчи таъсир кўрсатадиган омиллар орасида чорва молларини бетизим боқилиши, ўсиш майдонларининг қисқариши ва деградацияси кўпроқ таъсир этиши аниқланди. Шунингдек, Фарғона водийсида табиий ландшафтлар майдонларининг чекланганлиги, қишлоқ хўжалиги ва саноат худудларининг интенсив ривожланиб бораётганлиги, шунингдек, *Phlomoides* турларининг экогеографик хусусиятларини инобатга олган холда бошқа бир қатор омиллар, жумладан фрагментация, айрим турлар тор тарқалиш доирасига эга эканлиги (тор эндемлар), биоэкологиясидаги айрим хусусиятлари, қолаверса, иқлим ўзгариши ҳам чекловчи омиллар қаторига киради. Турларга чекловчи таъсир кўрсатувчи асосий омиллар диссертацияда батафсил келтирилган.

Бешинчи бобни иккинчи бўлими Ўзбекистон ва Қирғизистон миллий Қизил китобларига киритиш учун тавсия этилган камёб турлар таҳлилига бағишланган бўлиб, мавжуд фонд маълумотлари ва янги дала тадқиқотлари давомида олинган натижалар асосида GeoCAT воситасида (http://geocat.kew.org/) геофазовий таҳлил қилинган. Қизил рўйхатларга таксономик бирликларни киритиш жараёнини енгиллаштирадиган бу восита бирламчи геобоғланган маълумотлар жамланмасини, асосан, икки аспектда: тарқалиш даражаси (EOO) ва тарқалиш майдонлари (AOO) бўйича таҳлил этади (Bachman & al., 2011). Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикаси “Қизил Китоби”га *P. kirghisorum* ва *P. michaelis* киритилиши тавсия этилмоқда. *P. kirghisorum* EOO=3327 км^2, AOO=56 км² эканлиги аниқланган. IUCN томонидан тавсия этилган хавфи остида (EN) тоифасини B1ab(ii,iii)+2ab(ii,iii,iv) мезонларига мос келиши аниқланди. *P. michaelis* EOO=1026 км^2, AOO=48 км² бўлса, IUCN томонидан тавсия этилган хавфи остида (EN) тоифасини B1ab(i,iii,v)+2ab(ii,iii,iv); C2a(i) мезонларига мос келди.

Шунингдек, Қирғизистон флорасининг тор эндеми ҳисобланган *P. hypoviridis* ҳам миллий “Қизил Китоби”га киритиш мақсадида таҳлил қилинди. Олинган натижалар бу тур бўйича EOO=4 км^2, AOO=4 км² эканлигини кўрсатди. IUCN тоифалари бўйича йўқолиб кетиш хавфи остида (CR) тоифасини B1ab(iii)+2ab(iii,iv) мезонларига мос келди ва Қирғизистон Республикаси “Қизил китоби”нинг навбатдаги нашрига тавсия этилади.

ХУЛОСАЛАР

«Фарғона водийсида тарқалган *Phlomoides* Moench (таксономияси, географияси, экологияси ва муҳофаза чоралари)» мавзусидаги диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Фарғона водийсида тарқалган *Phlomoides* туркумининг 26 турдан иборат таксономик таркиби аниқланди ва замонавий конспекти тузилди.

Олинган натижалар “Ўзбекистон Флораси” асарининг Lamiaceae оиласига бағишланган навбатдаги нашрини тайёрлашда асос бўлиб хизмат қилади.

2. Туркумнинг 22 та морфологик белгиларга асосланган филогенетик дарахти яратилди. Олинган натижалар ва уларнинг кладистик таҳлили туркумнинг таксономияси ва филогениясига бағишланган аввалги тадқиқотларга айрим ўзгартиришлар киритиш лозимлигини, айни пайтда умумий даражада мос келишини кўрсатди.

3. Турларнинг фитоценотиплар таркибида учраш кўрсаткичига кўра фаоллик даражаси аниқланди ва 4 та гуруҳга ажиратилди: энг фаол (6 та ва ундан ортиқ флороценотиплар), фаол турлар (4 ёки 5 та), ўртача фаол (2 ёки 3 та) ва пассив турлар (1 та). Энг фаол турлар 8% (2 тур), фаол турлар 15 % (4 тур), ўртача фаол турлар 65% (17 тур) ва пассив турлар 12% (3 тур) ташкил этди.

4. Ботаник-географик районлар бўйича олинган таҳлил натижаларига кўра, Фарғона округи Тоғли Ўрта Осиё провинцияси учун қатор таксономик бирликлар (*Tulipa* L., *Gagea* Salisb., *Iris* L. ва бошқ.) сингари *Phlomoides* турлари бўйича ҳам Фарғона водийси флорасининг асосий қайноқ нуқталаридан бири сифатида баҳоланди.

5. Тўр тизимли хариталаш натижаларига кўра, тадқиқот ҳудудида «0» категорияга мансуб индекслар сони 681 тани (79%) ташкил этди. Бу кўрсаткичнинг юқорилиги мазкур индексларнинг асосий қисми Фарғона водийсининг Турон провинцияси таркибига кирадиган агрофитоценозлар, Тоғли Ўрта Осиё провинциясининг периферияси даги саноат зоналари ва урбанлашган ҳудудларга тўғри келиши билан изоҳланади.

6. Биоиқлимий моделлаштириш натижасида ареали қисқариб бораётган турлар ўзида кўпроқ примитив белгиларни сақлаган, ўрмон ландшафтига мойил, бутун баргли (транспирация қилувчи барг сатҳи катта) мезофил турлар ҳисобланади. Бу эса ҳар икки иқлми сценарий бўйича ҳароратнинг 0.4–1.6 °C ва 1.4–2.6 °C оралиғида кўтарилиши, турларнинг морфологик белгилари билан бевосита коррелятив боғлиқлик мавжуд эканлигини кўрсатди. Олинган натижалар камёб ва эндем турлар популяциясини *in-situ* ва *ex-situ* шароитда тиклаш учун энг қулай потенциал ўсиш жойларини аниқлаш имконини беради.

7. Фарғона водийси флорасидаги *Phlomoides* туркум турларининг камёблик даражаси IUCN тоифалари бўйича баҳоланди. Турларнинг 50% таҳдид остида (CR, EN, VU) эканлиги аниқланди. Бу турларнинг 42 % Фарғона водийсидаги муҳофаза қилигнадиган ҳудудлардан ташқарида ўсиши, камёб ва эндем турларнинг муҳофазаси масаласининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

8. Тадқиқотларнинг якуний натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси “Қизил китоби”нинг навбатдаги нашрига киритилиши лозим бўлган камёб ва эндем турлар таркиби тайёрланган ва тавсия этилган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 02/30.12.2019.B.39.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БОТАНИКИ

НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ГУЛЯМОВ РУСТАМЖОН КОМИЛЖОН УГЛИ

РОД *PHLOMOIDES* MOENCH ВО ФЛОРЕ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ (ТАКСОНОМИЯ, ГЕОГРАФИЯ, ЭКОЛОГИЯ И МЕРЫ ОХРАНЫ)

03.00.05 – Ботаника

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент–2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021/.4. PhD/B480.

Диссертация выполнена в Наманганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу www.botany.uz и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:	**Батошов Авазбек Рискулович** доктор биологических наук, доцент
Официальные оппоненты:	**Хасанов Фуркат Орунбаевич** доктор биологических наук, профессор
	Лазьков Георгий Анатольевич доктор биологических наук, профессор
Ведущая организация:	**Ферганский государственный университет**

Защита диссертации состоится «2» декабря 2022 года в 14^{00} часов на заседании Научного совета DSc 02/30.12.2019.B.39.01 при Институте ботаники (Адрес: 100125, г.Ташкент, ул.Дурмон йули, дом 32. Актовый зал Института ботаники. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс:(+99871) 262-79-38, E-mail: botany@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ботаники (зарегистрирована за №48). Адрес: 100125, г.Ташкент, ул.Дурмон йули, дом 32. Тел.: (+99871) 262-37-95.

Автореферат диссертации разослан «14» ноября 2022 года.
(реестр протокола рассылки №3 от «14» ноября 2022 года)

К.Ш. Тожибаев
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., академик

Б.А. Адилов
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.б.н., старший научный сотрудник

Ф.И. Каримов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., старший научный сотрудник

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. По всему выявлено всего 36 очагов биологического разнообразия, которые занимают 2.3% поверхности Земли и включают большинство редких и эндемичных видов растений, находящихся на грани исчезновения. Соответственно, глубокое изучение и сохранение глобального и регионального биологического разнообразия, развитие международного сотрудничества по оценке влияния антропогенных факторов на природные ландшафты, разработка планов стратегических мер являются приоритетными задачами современной охраны природы.

В мире большое внимание уделяется выявлению районов с сокращающимися природными ландшафтами и уязвимых к изменению климата, оценке популяций редких и эндемичных видов на основе современных методов, проведению широкомасштабных исследований по их сохранению. В странах Центральной Азии эти исследования непосредственно связаны с выявлением флористического состава регионов, мониторингом влияния антропогенных факторов, с изучением биогеографии, экологии и охраны редких и эндемичных видов. Следует отметить, что среди этих исследований Ферганская долина имеет особое положение как один из густонаселенных районов Центральной Азии, с сильно сокращающимися природными ландшафтами. Эта ситуация обуславливает актуальность вопросов сохранения как видового разнообразия, так и природных ландшафтов. Здесь воздействие человечества на окружающую среду значительно возросло за последние десятилетия. Расширение населенных пунктов, увеличение промышленных зон, сокращение пастбищных площадей и другие приводят к уязвимости популяций отдельных редких и эндемичных видов Ферганской долины. Отсутствие охраняемых природных заповедников в Узбекистанской части долины осложняет сложившуюся ситуацию. С этой точки зрения, новые исследования по изучению растительного разнообразия, внедрение новых методов, налаживание регионального сотрудничества имеют актуальное научно-практическое значение.

В настоящее время в Республике Узбекистан особое внимание уделяется обеспечению устойчивости природных ландшафтов, оценке влияния антропогенных факторов на уязвимые и находящиеся на грани исчезновения редкие и эндемичные виды и выделению ключевых ботанических территорий. В этом отношении, в нашей республике начаты исследования по созданию новых томов национальной флоры Узбекистана, сплошному сеточному картированию, кадастру и мониторингу, выявлению динамики растительного покрова, потенциальных ареалов редких и эндемичных видов и биоклиматическому моделированию. В стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы[1] поставлены задачи

[1]Указ Президента Республики Узбекистан УП-60 “О стратегии развития Нового Узбкистана на 2022-2026 годы” от 28 января 2022 года.

“поднять на новый этап сотрудничества в области экологии, охраны природы и предотвращения загрязнения окружающей среды в Центральноц Азии”. Выявление таксономического состава и экогеографических особенностей видов рода *Phlomoides*, составление сеточных карт видов, биоклиматическое моделирование потенциальных ареалов редких и эндемичных видов, оценка нуждающихся в охране видов на основе международных критериев, а также внедрение в практику полученных результатов имеют актуальное научно-практическое значение.

